

or

ERURSEN SHOH, AGAR OGHONSEN SEN, AGAR OGHONSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

19
(1077)
9-may
2013
www.xabar.uz
info@xabar.uz

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Ха, юртимизда инсон хотираси муқаддас, қадр хамма нарсадан азиз саналади. Кекса авлод вакилларига, курсатилаётган иззат-икром ҳукумат эътибори даражасига кўтарилганлиги, уларнинг кексалик даври фаровон ва марокли ўтиши учун барча шароитлар яратиб берилаётгани фикримизнинг эркин далилидир. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётганларга ҳам 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни арафасида қатта эътибор қаратиляпти. Улар учун байрам дастурхонлари ёзилиб, тадбирларга кела олмайдиганларнинг уйларига бориб йўқланмоқда. Саҳифаларимиздаги мақолалар шу ҳақда.



Хотира азиздир, қадр муқаддас

4-5-бетлар

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

7 май — Алоқачиларнинг касб байрами нишонланиши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг буйруғига биноан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг юқори даражада юксалиши ҳамда равнақи йўлида фаол яратган, шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшиб келадиган қўмита тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот, муассасалари ҳамда мобил алоқа операторларининг раҳбар ходимлари ва мутахассисларидан бир гуруҳи мукофотландилар. Кеча Алоқа тарихи музейида мукофотлар тантанали равишда ўз эгаларига топширилди. Мукофотларни қўмита раиси Х.Мирзахидов топширди.

Жумладан: "Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Тўртқўл тумани ТБ бошлиғи Бахтияр Қазақович ИБАДУЛЛАЕВ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали почта алоқаси хизматларини ташкил этиш бўлими бошлиғи Юлдаш НИЯЗОВ, "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Андижон радиотелеузастиш маркази бош муҳандиси Ойбек Турғунбаевич ЖУМАБОВЕВ, "Электромангнит мослашув маркази" ДУК 1-Тошкент техник радионазорат станцияси бошлиғи Денис Евгеньевич МАНУИЛЕНКО, "Алском" ОАЖ суғурта компанияси бош директори Тохиржон Қаримович ИМИНОВлар "МОҲИР АЛОҚАЧИ" фахрий унвони билан;

3-бет

Алоқа оламида

Microsoft корпорациясининг Outlook.com гуруҳ дастурлари раҳбари Дик Крэддокнинг хабар беришича, эски Hotmail



сервисдаги мижозларни Outlook.com сервисига ўтказиш тўлиқ якунига етказилди. Опти ой мобайнида Microsoft 150 петабайт "оғирлик"даги хат-хабарлар миграциясини амалга оширган. Шу тариқа Outlook.com фойдаланувчилар базаси 400 млн.дан зиёд фаол фойдаланувчи ҳисобига кенгайди, шундан 125 млн.таси мобил қурилмалар орқали фойдаланувчилар ҳисобланади.

Сўнгги янгиллик!

Ушбу сонда:

- Электрон ҳукуматни яратишдаги муҳим босқич **2**
- Ҳуқуқий эксперимент — самарали усул **3**
- Информер отследивания почтового отправления **6**
- Мустақил ҳаёт арафасида **12**
- Янгиланишлар маҳсули **12**
- Мобил алоқачилар баҳси **15**

Теледастурлар, спорт, сканворд

Jumadan Jumagacha

Навоий вилояти Навбахор туманида 4-5 май кунлари "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди. Мааскур нуфузли тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Туркистон" саройида журналистика соҳасида "Олтин қалам" VIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Танловнинг Бош миллий мукофоти билан "Самарқанд-СТВ" телевизион ижодий уюшмаси тақдирланди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий характи Самарқанд шаҳар бўлими томонидан Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган "Инсон — азиз, хотира — муқаддас!" мавзuida икки авлод учрашуви ўтказилди. Тадбир доирасида иштирокчилар Самарқанд шаҳридаги Хотира майдонида бўлиб, Мотамсаро она хайкали пойига гуллар қўйдилар. "Кўзумчоқ" мактабгача таълим муассасаси, 1-болалар муеика ва санъат мактаби, Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида ёш авлоднинг таълим-тарбия олиши учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Наманган шаҳридаги "Ёшлар маркази"да Обод турмуш йилига бағишланган "Ўзбекистон — умумий уйимиз" мавзuida дўстлик фестивали ўтказилди. Вилоятда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг миллий либос ва хунармандчилик маҳсулотлари, тасвирий санъат асарлари кўргазмалари ҳамда бадний жамоалар ва ёш истеъодлар ижросидаги куй-қўшиқлар барчада катта таассурот қолдирди.

Қашқадарё вилоятида Обод турмуш йилига бағишлаб "Ўзбекистон" миллий агентлиги ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбек миллий кино санъати кунлари бўлиб ўтди. Ушбу тадбир доирасида бир қатор янги фильмлар намойиш этилди. Уларда тасвирланган меҳр-оқибат, Ватанга садоқат гоёлари, ёшлар тарбиясига таъсир этувчи ибратли лавҳалар кино санъати мухлисларида катта таассурот қолдирди.

Белгиянинг Антверпен шаҳрида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдироти бўлиб ўтди. Мааскур тадбир "Dewi" туристик компанияси томонидан Ўзбекистоннинг Белгиядаги дипломатия миссияси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди. Тақдирот чоғида Антверпенда фаолият кўрсатадиган қатор етакчи сайёҳлик компаниялари вакиллари Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари ҳамда ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган бетакрор мейморий обидалар тўғрисидаги маълумотлар билан атофлича танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлиси Ҳайъат раиси Х.Мирзахидов бошқарди.

Ёз яқин, тайёргарлик қандай?

Дастлаб "2013 йил ёз мавсумида соҳа ходимлари фарзандларининг дам олиши ва соғломлаштирилишига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида"ги масала атофлича муҳокама қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Х.Соатов маъруза қилди.

Маърузачининг таъкидлашича, соғломлаштириш оромгоҳларининг мавсумга тайёргарлигини белгиланган меъёрга ташкиллаштириш учун Давлат қўмитасининг Бухоро, Жиззах, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари худудий бошқармалари бош мутахассислари ҳамда марказий кенгашнинг масъул ходимлари томонидан биргаликда оромгоҳлардаги ҳолат ўрганилган.

Ўрганишларда "Ўзбектелеком"

АКнинг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи", Бухоро ва Қашқадарё филиаллари, "ЎзИ" ҚКнинг "ЎзИ-Жиззах" филиали тасарруфидаги болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини 2013 йил ёз мавсумига тайёрлаш ва болаларнинг дам олишини самарали ўтказиш бўйича чоратадбирлар режалари ишлаб чиқилганлиги аниқланди. Бу режалар асосида оромгоҳларда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ташкил этилган. Айниқса, оромгоҳларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мажлисида 2013 йил ёз мавсумида соҳа ходимлари фарзандларининг дам олиши ва соғломлаштирилиши намуналари ва сифатли амалга ошириш мақсадида барча чоратадбирларни белгиланган муддат-

ларда бажариш юзасидан тегишли топширик ва вазифалар берилди.

Кун тартибидagi иккинчи масала — "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 17 апрелдаги ПҚ-1741 қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида" "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК бош директори Ф.Зияев маъруза қилди. Маърузачи ўз нутқида "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонаси 2013 йил тўрт ой ичида рақамли телеузагичлар радиотелевизион станцияларда ўрнатилиб, ишга туширилганлиги ва шу орқали аҳолини қамров доираси ошганлиги ва жорий йил якунига қадар бажариладиган ишлар ҳақида маълумот бериб ўтди.

Бугунги кунга келиб аҳолининг рақамли телевидение дастурлари билан қамрови 43,5 фоизни ташкил этади. Жорий йил якунига қадар яна иккита рақамли телевидение узатгичларини келтириб ўрнатиш ва аҳоли қамровини 45 фоизга етказиш режалаштирилган.

Ҳайъатда қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Электрон ҳукуматни яратишдаги муҳим босқич

Пойтахтимизда "Ўзбекистонда АКТни баҳолашнинг халқаро мезонларини татбиқ этиш" мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мааскур тадбир Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик" қўшма лойиҳаси томонидан ташкил этилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг раиси Х.Мирзахидов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили С.Приснер сўзга чиқди. Тадбирни қўмита раисининг ўринбосари Ш.Шерматов олиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва БМТ Тараққиёт Дастурининг "Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик" қўшма лойиҳаси мутахассиси А.Баходиров БМТнинг электрон ҳукуматнинг баҳолаш мезонлари ва Ўзбекистон рейтингини яхшилаш учун керакли чора-тадбирлар ҳақида маъруза қилди.

Маърузачи БМТнинг электрон ҳукумат тараққиёт ҳолати тўғрисидаги ҳисоботида Ўзбекистон электрон ҳукумат элементларини татбиқ қилишга юқори суръатлар билан ҳаракат қилаётгани, хусусан, тегиш-

ли ҳукумат қарорлари қабул қилиниши билан бир қаторда, қонуний ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилаётгани ва Ҳукумат портали такомиллашайётгани алоҳида қайд этилганини таъкидлаб ўтди.

Мааскур босқичда ижобий халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, электрон ҳукумат тараққиётини баҳолаш мезонларини қўллаш долзарб масала ҳисобланади ва бу АКТни татбиқ қилиш соҳасида ўтказилаётган ислохотларни самарали мониторинг қилишга катта ёрдам беради.

Бу борада Корея Республикасининг тажрибаси эътиборга молик. Ушбу мамлакат БМТнинг жаҳон рейтингиде электрон ҳукуматни татбиқ қилиш йўналиши бир неча йиллардан буён етакчилик қилиб келмоқда.

Тадбир иштирокчилари корейлик эксперт — Ан Хён Сунинг Корея Республикаси тажрибаси юзасидан қилган маърузасини диққат билан

тингладилар. Ушбу тажриба Ўзбекистонда баҳолашнинг халқаро мезонлари ва кўрсаткичларини татбиқ қилишда ҳам муҳим ўрин тутди. Таъкидлаш лозимки, корейлик экспертлар билан АКТ соҳасидаги мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан халқаро тажрибаларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жойлардаги давлат ва хўжалик бошқарув органларида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қарор лойиҳаси мамлакатда АКТ ривожланишининг ишончли кўрсаткичларини шакллантириш учун керакли маълумотлар рўйхати ва уларни давлат органларига тақдим қилишдаги масъул кишиларни белгилаб беради. Авал тасдиқланган, асосан инфратузилма ва компютерлаштиришни ривожлантириш масалаларини қамраб олган баҳолаш мезонларидан фарқли равишда, халқаро мезонлар асосида ишлаб чиқилган янги баҳолаш рейтинг тизимида асосий эътибор тадбиркорлар ва фуқароларга интерактив давлат хизматларини давлат органлари томонидан кўрсатилишига қаратилган.

Давра суҳбати давомида юқоридаги қарор лойиҳасига доир қизгин муҳокамалар бўлиб ўтди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

ФАКТ: Ҳозирги кунга келиб давлат органлари ўз веб-саҳифалари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали (Gov.uz) ёрдамида 400дан зиёд интерактив давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Жорий йилнинг 6 май куни Алоқа тарихи музейида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари томонидан "Жамият ва давлат қурилиши соҳасида ҳуқуқий экспериментларни амалга оширишнинг назарий ва амалий масалалари" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Ҳуқуқий эксперимент — самарали усул



Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари ўртасида интерактив видеоалоқа воситасида ўтказилган мазкур тадбирда депутатлар, идора ва ташкилотларнинг масъул ходимлари, миллий ва халқаро (ЕХХТ, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ ва бошқалар) ҳамда хорижий (АҚШ, Фран-

ция, Буюк Британия, Венгрия, Словения) экспертлар, ҳуқуқшунослар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Анжуманда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов "Ҳуқуқий эксперимент — қонунчилик

ташаббуси субъектлари қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарали шакли", Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиклиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳуқуқий экспериментни ўтказишдаги асосий жиҳат-

лар", Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси" аъзоси О.Оқиллов "Ҳуқуқий эксперимент ўтказишнинг назарий жиҳатлари", Халқаро нотижорий ҳуқуқ марказининг МДХ ва Европа шўъбаси вице-президенти Н.Боржелли "Давлат органлари фаолиятининг очиклиги: халқаро тажриба" мавзуларида маъруза қилишди. Шунингдек, миллий ва халқаро ташкилотларнинг мутахассис ва экспертлари, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари мавзу юзасидан сўз юритишди, ўзаро фикр алмашишди.

Конференция ишнинг якунлари бўйича ҳуқуқий экспериментларни ташкил этиш усулларидан фойдаланиш асосида миллий қонун ижодкорлиги тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган назарий ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз

Мукофотлар муборак!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарь филиали Ниспон ТБ бошлиғи Махмуд Мейлиевич БАЙМУРОВ, "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали марказлашган ишлаб чиқариш лабораторияси бошлиғи Владимир Владимирович ЕЖКОВ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент почтамини филиали Шайхонтохур туманлараро ПАТ 42-алоқа бўлими почтачиси Зулфия Рахматовна ХОНХОДЖАЕВА, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали Учқудук ПАТ "Мингбулок" алоқа бўлими бошлиғи Улихон Исақович ДОНАСОВ, ТАТУ "Маълумотларни узатиш тармоқлари ва тизимлари" кафедраси мудири Уллубек Бобурович АМИРСАИДОВ, "Радиоалоқа, радиоэшиштириш ва телевидение маркази" ДУК Самарқанд РТУМ Чўпонота РТС цех бошлиғи Абдухалим Роҳатқудович ОБИДОВ, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-х/к) 1-сон авария-тиклаш ишлари маркази бошлиғининг моддий таъминот бўйича ёрдамчиси Тўлқин Ниспоевич ЭСОНОВ, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари Юсуф Рустемович МУХЧИ, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Наманган вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи Юсулхан Умарханович ИШАНОВ, "Электромангнит мослашув маркази" ДУК техник бўлими бошлиғи Шуҳрат Алимбекович КУЧҚОРБЕКОВ, "UNICON.UZ" ДУК Радиоалоқа, радиоэшиштириш, телевидение ва электромагнит мослашув илмий-тадқиқот департаментининг Электромагнит мослашув тахлили хизмати бошлиғи Анварходжа Асатуллаевич КАДИРОВ, Давлат фелдгегерлик хизмати Нукус шаҳар бўлими бошлиғи Максет СЕЙТМУРАТОВ, "Республика махсус алоқа боғламаси" ДУК ҳуқуқат алоқа хизмати маркази абонент бўлими бошлиғи Рамлила Магдановна МИРАГЗАМОВА, "Республика махсус алоқа боғламаси" ДУК ҳуқуқат алоқа хизмати маркази "Қайнарсой" объектига хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Нозим Аскарович УММАТОВ, "Ўзинфоком" маркази ДУК.UZ Миллий доменнинг ривожлантириш гуруҳининг бош мутахассиси-бошлиғи Владислав Вадимович ДЕЙХИН, "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази" ДУК телекоммуникация тармоқларини бошқариш



бўлими етакчи муҳандиси Раиса Вагизовна ГАЛИАХМЕДОВА, Республика ахборот-кутубхона маркази директори ўринбосари Алишер Эргашқўзиевич ОТАҚЎЗИЕВ, Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази хорижий телевидение кўрсатувлари мониторинги бўлими бошлиғи Фаттах Набиевич МУХАМЕДОВ, ОАТ "Алоқабанк" Қорақалпоғистон Республикаси филиали ҳисоб-амалиёт бўлими бош бухгалтери Гулназ Турдубоевна МЫРЗАНОВА, "Алком" ОАЖ сугурта компанияси Хоразм филиали директори Карим ЮСУПОВ, Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши ижтимоий ишлар бўйича бош мутахассиси Юнус Юсупович ГАПУРОВ, "Юнител" МЧЖ техник дирекциясининг режалаштириш, оптималлаштириш ва операторлараро ўзаро алоқа хизмати раҳбари Александр Вячеславович СУРКОВ, "Коском" МЧЖ тадқиқот ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Вадим Геннадиевич ЗАХАРЯН, "Rubicon Wireless Communication" МЧЖ бош энергетика Галиб Жўраевич ТАШЕВ, "Ўзалока-консалтинг" МЧЖ қурилиш лойиҳаларини экспертиза қилиш бўлими бошлиғи Шавкат Арсланович ЯКУБОВ, "Xabar" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Абдуғани Абдурашодович АБДУРАХМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўми-

таси Сурхондарь вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Рустам Ташмуратович ТЎХТАМИШЕВлар Қўмитанинг **"ФАХРИЙ ЁРЛИГИ"** билан;

"Ўзбектелеком" АК Тошкент шаҳар телефон тармони филиали Янгиобод телефон боғламаси 290/292-АТС кабел қавшарловчиси Сидик Абидович МИРЗАЕВ, "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали Бухоро шаҳар ТБНЕАХ-61 станцияси 1-тонфали муҳандиси Шаҳодат Тўйиевна АМОНОВА, "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали Олмалик ТБ шаҳар линия-кабел хўжалиги хизмат кўрсатиш бўлими электромонтери Тошпўлат Иргашевич МҶМИНОВ, "Ўзбектелеком" АК Сурхондарь филиали Бойсун ТБ кабел қавшарловчиси Баҳриддин Топболтаевич КАХХОРОВ, "Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали Мирзаобод туман ТБ катта электромеханиги Яшар Менсенович СЕПИСЛЯМОВ, "Ўзбектелеком" АК Жиззах филиали линия-кабел ва таъмирлаш гуруҳи кабел қавшарловчиси Фарид Мансурович КИЯМОВ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали Данғара ПАТ сараловчиси Мухаббатой Бўриевна МЕЛИҚЎЗИЕВА, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали Наманган шаҳар ишлаб чиқариш участкаси почтачиси Абдурахмон Сатторович ЮСУПОВ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиали шаҳар цехи почта кабул қилиш ва етказиш

бўлими почтачиси Иди Тожиевич ЁҚУБОВ, "Матбуот тарқатувчи" АК наشرлар чакана савдо уюштирувчиси Бахтиёр Анварович КАРИМОВ, ТАТУ Фарғона филиали "Амалий информатика" кафедраси катта ўқитувчиси Хусниддин Ибрагимович СОТВОЛДИЕВ, ТАТУ Ўзбек-Ҳинд ахборот технологиялари маркази директори Хуришд Баходирович СУЛТОНОВ, "Радиоалоқа, радиоэшиштириш ва телевидение маркази" ДУК Қорақалпоғистон РТУМ Тахтақўпир РТС муҳандиси Темирбек Нуриллаевич КАРАБАЛАЕВ, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-х/к) автомобил взводи фойдаланиш гуруҳи командири Жавлонбек Хошимович ЭГАМБЕРДИЕВ, "UNICON.UZ" ДУК режалаштириш бўлими етакчи ижтисодчиси Лола Рустамовна ДАВИДОВА, Давлат фелдгегерлик хизмати фелдгегер-хайдоччиси Зафар Шуқурович НАСИРОВ, "Республика махсус алоқа боғламаси" ДУК ҳуқуқат алоқа хизмати маркази "Олий Мажлис" ва "Шедковичная" объектига хизмат кўрсатиш бўлими 1-тонфали муҳандиси Сергей Григорьевич ГРИГОРЯН, "Ўзинфоком" маркази ДУК умумий ишлар бўйича департаменти бошлиғи Руслан Наилевич МУРСАЛИМОВ, "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази" ДУК телекоммуникация тармоқларини бошқариш бўлими етакчи муҳандиси Камилла Аҳмедовна ТЕМИРБУЛАТОВА, Республика ахборот-кутубхона маркази Сирдарь вилояти Алишер Навоий номидаги ахборот-кутубхона маркази директори Аллжон Азимжонович БОЙМАТОВ, Ахборот-коммуникация тармоқларини ривожлантириш жамғармаси директори ўринбосари Мамиржон Розматович КАЮМОВ, ОАТ "Алоқабанк" Қашқадарь филиали ҳисоб-амалиёт бўлими бош бухгалтери Қобил Эшмуродович ТЎХТАМИШЕВ, "Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази" МЧЖ дастурчиси Дилшод Чориевич ИСМАТОВ, "Транит" илмий-ишлаб чиқариш ДУК монтаж технологик тармони электрпайвандчиси Муҳиддин Садиқович МАЖИТОВ, "Алоқалоғиша" ДУК линия иншоотлари ва алоқа кабел линиялари бўлими бош мутахассиси Миради Абидович ШАРИПОВлар **"ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ"** белгиси билан тақдирландилар.

Мукофотлар муборак бўлсин, азиз алоқачилар!

Инсон хотираси — боқий, кадр- қиммати — улус

Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ҳамда "Ўзбектелеком" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиаллари ходимлари иштирокида ўтказилган навбатдаги маънавият ва маърифат ўқуви ана шундай номланди.

Дарҳақиқат, ўтганлар ёди ҳамisha эъзода. Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки ойларидаёқ, юртимизнинг барча гўшаларида бўлганидек, Бухоро вилоятидан 74 мингдан зиёд аскар Ватан химоясига отланган эди. Уларнинг 35 миң нафарига ўз тутилган юртини қайта кўриш nasib этмади — кабрлари олис Европада қолиб кетди.

Биз мустақиллик йилларида уруш ва у келтирган офатлар, халқимиз бошига тушган мусибатларни ҳар томонлама чуқур англаб етдик. Юртбошимизнинг 9 майни мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилгани халқимиз дилидаги айни иш бўлди. Президентимизнинг 1994 йил 16 мартдаги фармонига биноан 34 жылдан иборат Хотира китобининг, шунингдек, кейинчалик кўшимча жилдларининг нашр қилинган, республикамиз пойтахти Тошкентда ва барча вилоят марказларида Хотира майдони деб аталмиш мўътабар зиёратгоҳларнинг барпо этилгани мустақил Ўзбекистонда инсон кадри ҳамда хотираси азиз ва муқаддас эканлигини яна бир бор намоён қилди.

Республика Маънавият тарғиботи маркази Бухоро вилоят бўлими тарғиботчиси Жасур Болтаев олиб борган маънавият ва маърифат ўқувида ана шулар хусусида батафсил сўз юритилди.

Аскар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Жанггоҳлардан омон чиққан алоқачи

Тақдир тақозоси билан Решетниковлар оиласи олис Тамбов вилоятидан серкуёш Тошкент шаҳрига кўчиб келишганида Михаил мактабининг 5-синфида ўқирди. Ўрта мактабни битириб, олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлик кўраётган бир пайтда машъум Иккинчи жаҳон уруши бошланди. Кўплаб йигитлар қатори Михаил Сергеевич ҳам урушга сафарбар этилди. Уни радистлар тайёрлаш курсига олишди.

— 1942 йилнинг августигача бизни алоқачиликка ўргатишди, — дея хотирлайди Михаил Решетников, 90 ёшдан ошган бўлишига қарамай ўша давр воқеаларини аниқ-тиниқ эслар экан, — сўнг фронтга жўнатилдим. Калинин frontiда жанг кирдим. Бизнинг вазифамиз фашистлар юбораётган хабарларни тутиб олиб, фронт штабига етказиш эди. Вазифамиз ўта масъулиятли бўлиб, биз тўплаган хабарлар орқали кўплаб вайронгар-

чиликларнинг олди олинди, минглаб аскарларимизнинг жони сақлаб қолинди. Рафиқам Таиса Михайловна билан ҳам жанг майдонларида танишганман. У ҳам алоқачи эди. Биз галабани биргаликда, дилда қувонч билан Германиянинг Дрезден шаҳрида кутиб олдик.

Урушдан сўнг бу икки ёш тақдир йўлларини бирлаштиришди. Михаил Решетников 1975 йилгача ҳарбий хизматни давом эттирди. Сўнгра таж-

рибали алоқачи Шаҳарлараро алоқа худудий ишлаб чиқариш бирлашмаси (ҳозирги "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали)да меҳнат фаолиятини давом эттирди. 20 йил давомида иккинчи махсус ишлар бўлими бошлиғи бўлиб хизмат қилди.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида хонадонига ташриф буюрганлар — "ТТТ" филиали раҳбари Оқилжон Қурбонов, касба уюшмаси қўмитаси раиси Қаҳрамон Саримсоқов ҳамда биз — "Xabar" газетаси мухбирларини Михаил Решетников хурсандчилик билан кутиб олди. Гарчи урушда оёғидан яраланган ва ҳассада юриб бўлса-да, бизни қаддини тик тутган ҳолда, ҳарбийларга хос тавозе билан ичкарига таклиф этди. Корхонада олиб борилаётган ўзағаришлар, амалга оширилаётган янгилликлар билан қизикди. Бу ишлардан кўнгли тўлди чоғи, юзларига табассум югурди.

— Михаил Сергеевич хонадонига тез-тез келиб турамин, — дейди Қаҳрамон Саримсоқов. — Хар сафар бирор совға билан мамнун қилишга ҳаракат қиламиз. Бугун, кўриб турганингиздай, моддий ёрдам ҳамда озиқ-овқат махсуслотлари олиб келдик. Аслида Михаил Сергеевич буларга муҳтож ҳам эмас. Энг муҳими, бизнинг ташрифимиз, меҳринимиздан кўнгли тоғдай кўтарилди.

Ха, кексалик шундай бир даврки, бир оғиз ширин сўз, бир чимдим меҳр ҳамма нарсадан азиз бўлиб қолади. Буни яхши тушунгани учун ҳам филиал раҳбарлари уруш катнашчиси, собиқ алоқачи М.Решетниковга катта эътибор қаратишади.

Ўз мухбиримиз



Қизилқақир қишлоғида яшовчи, Яйпан почтасида узок йиллар меҳнат қилган Кенжа бобо Норқулов 90 баҳорини қаршилаган эди ўшанда. Вилоят почтачилари номидан йўқлаб борганимизда шунчалар қувондикки, узокдан-узок дуо қилди. Ёстиқдан бош кўтара олмай қолган бўлса-да, ён чўнтақларида сувқорозга ўраб, тумордай сақлаётган паспорти ва Иккинчи жаҳон уруши катнашчисининг 014413 рақамли гувоҳномасини олиб кўрсатди.

Уруш захматлари оқибатларидан жисму жони азоб чекаётган бўлса-да, инсонлик мартабаси учун энг муқаддас ҳужжатларни кўз қорачиғидек асраётган Кенжа бобога хайрат ва ҳавас билан дилимизда "Сизга таъзим, Сизга қуллук, асл Инсон!" деган хитоб билан жимгина термулиб турардик. Ўзбекистон фуқароси эканлиги, йигитлик бурчини ёруғ юз билан адо эта олгани, тинчликдек буюк неъмат учун курашгани қанчалар шарафли-а! Шундай фахр-ифтихор туйғулари бобонинг фамгин чехрасини бир нуллантириб ўтди. Кўзларига беихтиёр ёш қалқиди: Тинчлик бу — жуда катта бойлик, кадрига етинглалар...

Ўша куни Яйпан марказида истикомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Эргашали бобо Ўсаровни ҳам зиёрат қилган эдик. Ёнида шўхлик қилиб югуриб юрган неварасини меҳр тўла нигоҳ билан кузатиб ўтирган бобонинг кўзларидаги ёнликни кўриб 90 ёш бермайсиз.

— Хурсанд кўринасиз, — дедик қандай гап бошлашни билмай.

— Нева-чеваралар бошингни ганигиб атрофингда айланиб-ўргулсалар шу — байрам, шу — хурсандчилик бизга. Ёши қайтган одамга бундан ортик яна нимаям керак!

Эргашали бобо билан бўлган бир неча дақиқагина суҳбатдан ҳам бир олам таассурот қолди. Айниқса, "Хаёт яхши, меҳнат қилганга жуда яхши", дея ховлисида қад ростлаётган чиройли иморатга ишора қилганлари кўз ўнгимда муҳрланиб қолган.

Хар иккала бобони қайтиб кўриш, суҳбатини олиш nasib этмади. Лекин уларнинг Ватанга қилган хизматлари асло унутилмайди.

Яқинда Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси, бағдолик, Ултарма алоқа бўлимини 26 йил бошқарган Валия опа Ҳасанова билан телефон орқали боғландик.

— Бизга фашизм устидан қозонилган галабанинг 68 йиллигини кўриш

Эҳтиром

насиб этди. Бунинг учун Яратганга минг бора шукрлар айлайман. Хар йили Президентимизнинг биз Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларига кўрсатаётган бу тенгсиз эътибор ва ғамхўрликларидан бошим осмонга етади, яшариб, кучга тўлиб кетгандай бўламан. Юртбошимиз дунё тургунча турсинлар. Илоҳим, Ўзбекистонимиз доимо шундай гуллаб-яшнайсин!

Учқўприклик Содикжон бобо Мамаюсупов ҳамда Маматкул бобо Маҳкамовлар, данғаралик Йўлдошди бобо Тўлаев, Маҳмуджон бобо Мирзаматов, Мўминжон бобо Маматовлар, яйпанлик Насирдин бобо Дадабоев ҳамда Абдурахим бобо Қўқонбоевларнинг ҳам тилларида ва дилларида ана шундай дуо. Эътибор ва ғамхўрлик уларнинг кўнгилларини самолар қадар кўтаради. Умрларига умр кўшади. Хотира майдонларида ўтказилаётган тадбирларни кўрганларида қанчалар севинганларини сўз билан ифода этолмайди. Юртимиз тинчлиги ва осойишталиги учун мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлар хотираси муқаддас сақланаётганидан беҳад мамнун бўладилар.

Фарғона вилоят алоқа корхоналарида 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда 7 май — Алоқачилар кунига бағишланган байрам тадбирлари кўтаринки руҳда ўтказилди. "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси вакиллари Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари ҳолидан хабар олишиб, совғалар, совғалар топширдилар. Саккиз нафар илғорлар вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрликлари ҳамда қимматбахо совғалари, 22 нафар мутахассис филиалнинг фахрий ёрликлари ва қимматбахо совғалари билан тақдирланди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси вакиллари ҳам Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини қўшалоқ байрам билан муқорабод этиб, 150 миң сўмдан пул мукофоти тақдим этдилар. 60 нафар фахрийга ва ибрат кўрсатиб меҳнат қилган ишчи-ҳодимларга эҳтиром рамзи сифатида эсдалик совғалари топширилди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

"Матбуот тарқатувчи" АКда меҳнат фахрийлари учун байрам тадбири ўтказилди.

“Ташрифингиз учун ташаккур!”

дейишди Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида яшовчилар “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ вакиллариغا

Ўқсик кўнгилларга малҳам бўлмоқдан ҳам савоблироқ иш бўлмасе керак, аслида. Бунга “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ вакиллари — кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Тожи Мурод Хўжакулов, умумий бўлим бошлиғи Дилдорахон Сағатова, касба уюшмаси кўмитаси раиси Мирза Матёкубов ҳамда таъминотчи Жаҳонгир Мамадалиевларнинг Тошкент шаҳри Олмазор туманида жойлашган Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида истикомат қилувчи нурунийлар билан учрашувларидан сўнг яна бир қарра амин бўлди. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган ушбу учрашув бу ерда умргузаронлик қилаётган кексалар қалбига бир ёруғлик, нур олиб кирди, гўё.

— Болажонларим, ташрифингиз учун минг ташаккур, — деди меҳнат фахрийси, 78 ёшли Ҳатирота Каримов. — Биз учун бу ерда ҳамма шароит муҳайё этилган. Кўриб турганингиздек, республикамиз ҳукумати бизни доимо меҳр оғушида сақламоқда. Бу ерга келиб ҳомийлик қилувчи савобталаблар ҳам кўп. Биз учун энг муҳими одамлардаги самимият, бизга бўлган эътибордир. Сизлар билан бир зум суҳбатлашиб, дилимиздаги ғубор кўтарилди, яшашга бўлган иштиёқ кучайди. Пансионат директори Азиз Эшмуродовнинг айтишига қараганда, бу



ерда 131 нафар фахрий истикомат қилиб, уларнинг уч нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва 23 нафари фронт ортида меҳнат қилганлардир. Уларнинг кексалик даври яхши ўтиши учун республика ҳукума-

ти томонидан етарли миқдорда маблағ ажратилляпти. Халқимизга хос фазилатлар — меҳр-оқибат ва одамгарчилик сабаб бу ерга ташриф буюрувчиларнинг кети узилмайди. Айниқса, ёшлар ташрифидан отахон ва онахонлар мамнун бўлишмоқда.

— Кексалар дуоиси — эл муддаоси деб бежизга айтишмаган, — дейди Тожи Мурод Хўжакулов. — Биз ҳам байрамларда устоз почта ходимлари кўнглини кўтариб, дуоларини олишга ҳаракат қилияпмиз. Республикамиз бўйича 37 нафар почта фахрийлари истикомат қилишади. Уларни байрамларда, яхши кунларида доимо йўқлаб турамыз. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ҳам ҳар бир фахрий почта ходимига совға-саломлар топширилди, моддий ёрдам берилди.

САМАРҚАНД ЗИЁРАТИ

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Жиззах филиали томонидан жорий йилнинг 5 май куни, алоқачилар байрами ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан, почта алоқасида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик нафақасидаги бир гуруҳ меҳнат фахрийларининг маданий-маърифий дам олишларини ташкиллаштириш мақсадида кўҳна Самарқанд зиёратгоҳларига саёҳат уюштирилди.

Саёҳат фахрийларда яхши кайфият, ўчмас таассурот қолдирди.

Эъзозланишди, дийдорлашишди

“Ўзбектелеком” АК “Бош коммутация маркази” филиалида корхонада ишлаб, бугунги кунда кексалик гаптини сураётган фахрийларни меҳр ардоғида сақлашга, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта аҳамият берилляпти. Корхона маъмурияти ва касба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан ҳар йилгидек бу йил ҳам 7 май — Алоқачиларнинг касб байрами ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланиб, байрам дастурхони ёзилди. Дошқозонда ош дамланиб, дастурхон баҳорий мевалар билан тўлдирилди.

Тадбирни очар экан, филиал директори Амир Газиев фахрийларни кўшалок байрам билан табриқлади, нуруний отахон ва онахонларга мустахкам соғлик, узок умр тилади. Шундан сўнг фахрийлар ўз дил изҳорларини баён этдилар.

— Биздаги каби кексаларга ҳурмат, эҳтиром бошқа ҳеч қаерда бўлмасе керак, — деди Артур Войцеховский. — Биз пенсияда бўлсак-да доимо кадрон жа-



моамизнинг кайнок меҳри ва эътиборини хис қилиб яшаймиз. Бугунги каби байрамларда бир-биримиз билан дийдорлашамиз, шогирдларимиз эришяётган ютуқларни кўриб мамнун бўламиз. Бунинг учун барча фахрийлар номидан раҳбарларимизга чексиз миннатдорлик билдираман. Бахтимизга соғ ва омон бўлинглар, дейман.

— Меҳр-муруват — энг буюк неъматлардан бири, — деди биз билан суҳбатда филиал касба уюшмаси кўмитаси раиси



Дилшод Усмонов. — Корхонамиз маъмурияти томонидан нафақат ўзимизнинг фахрийлар, балки Шайхонтоҳур туманида истикомат қилувчи бошқа нурунийларга ҳам ёрдам қўлини чўзаямиз. Эртага эса Олмазор туманида жойлашган 1-Мурувват уйда тарбияланаётган 300 нафар ногирон болага байрам дастурхони ёзамиз. Шунингдек, уларга кир ювиш воситалари, чойшаблар, кўрпа ва ёстик жилдлари олиб борамиз. Кейинчалик эса кондиционер совға қилиш ниятидамыз.

Ҳурматга сазоворлар

“Ўзбектелеком” АК “Бош коммутация маркази” филиалида фахрийларга эътибор билан қараш, улар аҳолидан доимо хабардор бўлиб туриш ағнага айланган. Корхонада ташкил этилган Фахрийлар кенгаши бу борда асосий рол ўйналяпти. Кенгаш ишига эса корхонада узок йиллар ишлаб пенсияга чиққан фахрийлар яқиндан ёрдам беришади. Улардан бири Мунаввар Қодировдир.

Мунаввар Қодиров меҳнат фаолиятини 1972 йили Шаҳарлараро телефон станциясида муҳандисликдан бошлаб, 1-тоифали муҳандис, радиомуҳандис, Боғламали бошқарув пункти бошлиғи, Алоқа вазирлигида бўлим бошлиғи, 1992 йилдан бошлаб “Тошкент телеграф-телефон станцияси” — “Ўзбектелеком” АК “Бош коммутация маркази” филиалида йўлдошли алоқа цехи бошлиғи лавозимида ишлади.

Йўлдош алоқа цехи “Интелсат” ва “Азимут” станцияларидан иборат бўлиб, цех халқаро телефон маълумотларини узатиш учун Ўзбекистон Республикаси абонентларига ажратилган каналлар операторлари, сотали тизим операторлари, халқаро операторларга космик трактлар тақдим этади.

М.Қодиров “Интелсат” станциясида жойлашган усқуналар ишлаш принципларини, жумладан VSAT стан-



циясининг техник параметрларини мукаммал билар ва ишши сифатли олиб борарди.

Олий ўқув юртларини битириб, корхонага янги ишга келган ёш мутахассислар учун яхши мураббий бўлган. Мунаввар ака меҳнат фаолияти давомида 20дан ортик шогирдлар тайёрлади.

Филиал жамоаси ичда ҳурмат-эътибор қозонган инсонлардан яна бири Султонмурод Шуқуровдир.

Меҳнат фаолиятини 1969 йилда “БКМ” филиалида

электромеханик вазифасида бошлаб, катта электромеханик, навбатчи муҳандис, узаткич аппаратлар цехи бошлиғи ўринбосари, цех бошлиғи вазифаларида ишлади.

У киши республика ичда ва Транс-Осиё-Европа алоқа магистрали бўйича халқаро йўналишларни созлаш ва ишга туширишда шайхон широк этган. Республика ичдаги ОЕСФ дойиҳаси ва ТОО халқаро йўналишлари бўйлаб созлаш ва ишга тушириш ишларида ўзини юқори малакали мутахассис сифатида кўрсатиб, чет эллик мутахассислар билан юқори савияда сўзлашувлар олиб борган. Қисқа муддат ичда аналогли тизимлар ўрнига халқаро ва шаҳарлараро алоқа хизматларини кўрсатувчи янги замонавий рақамли усқуналарни ўрганиб, ишга туширишда фаол қатнашди.

Корхона касба уюшмаси кўмитасининг фаол аъзоси сифатида корхона билан касба уюшмаси ўртасидаги шартноманинг тузилиши ва бажарилишига масъул инсонлардан бири ҳам Султонмурод Шуқуровдир.

Султонмурод ака ҳамон кўнлаб ёшларга устоз.

Биз бу икки фахрий орқали филиалнинг барча нурунийларини Хотира ва Қадрлаш куни билан муборакбод этамыз. Узок умр, мустахкам соғлик тилаймиз.

М.МИРКАМОВА

ЗАПУЩЕН НОВЫЙ ТЕЛЕКАНАЛ "UZREPORT TV"

В Узбекистане запущен в эфир в тестовом режиме новый телеканал в цифровом формате "Uzreport TV".

"Uzreport TV" является независимым, негосударственным телеканалом. Он призван стать современным новостным и бизнес-каналом, ориентированным на активных деловых людей. Телеканал будет вещать на двух языках ежечасно обновляющиеся актуальные новости общественной жизни, экономики, бизнеса и финансов. В сетку вещания войдут аналитические авторские программы, обзоры отраслей экономики, в том числе финансовых рынков, банковской системы, сферы страхования и лизинга, комментарии, беседы и интервью с экспертами, а также культурно-образовательные передачи.

Канал доступен для просмотра на телевизионных приёмниках, имеющих циф-



ровой ТВ-тюнер.

Отметим, что "Uzreport TV" является телевизионным проектом "Информационное агентство Uzreport" (бизнес-портал Uzreport.uz).

Телеканал "Uzreport TV" вещает на основании лицензии №0004217 Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Респуб-

лики Узбекистан на оказание услуг сетей распространения телепередач, полученной "Ин-

формационным агентством Uzreport".

Напомним, что на сегодняшний день "Информационное агентство Uzreport" представлено на пространстве бизнес-информации интернет-порталом "Uzreport.uz" и телевизионным проектом "Business Report" (на канале NTT). Основными целями данных средств массовой информации являются аккумулярование и распространение экономической и бизнес-новостной информации.

ВETERАНЫ СМОГУТ БЕСПЛАТНО СДЕЛАТЬ МЕЖДУНАРОДНЫЕ И МЕЖДУГОРОДНЫЕ ЗВОНКИ

"Узбектелеком" подарит всем участникам и инвалидам войны карточки на осуществление международных и междугородних звонков номиналом 3000 сумов.

В честь Дня памяти и почестей и празднования 68-й годовщины Победы во Второй мировой войне 1941-1945 годов акционерная компания "Узбектелеком" подарит всем участникам и инвалидам войны карточки на осуществление международных и междугородних звонков номиналом 3000 сумов. Об этом сообщила пресс-служба компании.

ФОНД "НУРОНИЙ" И "БИЛАЙН" ПОЗДРАВИЛ ВETERАНОВ

Фонд социальной поддержки ветеранов "Нуроний" и крупнейший оператор связи "Билайн" в преддверии Дня памяти и почестей провели масштабное мероприятие для участников Второй Мировой войны и ветеранов трудового фронта.

7 мая в банкетном зале Ezidyog состоялся торжественный прием для фронтовиков и труженников тыла из столицы и Ташкентской области. Около 350 ветеранов посетили праздник, организованный фондом "Нуроний" при поддержке "Билайн", сообщила пресс-служба оператора.

"Участники Второй мировой в Узбекистане традиционно пользуются всеобщим почтением и заботой. Неоценимую помощь ветеранам оказывает руководство республики, наш фонд и множество других общественных организаций. Мне особенно приятно, что уже несколько лет подряд нас поддерживает такая крупная компания, как "Билайн". От имени всех ветеранов страны хочу поблагодарить наших друзей за внимание и инициативу в проведении этого прекрасного праздника", — отметил председатель Центрального совета фонда "Нуроний" Эркин Бакибаев.

ДЕРЖАТЕЛИ EMV-КАРТ

получили возможность
совершать онлайн-платежи

Единый общереспубликанский процессинговый центр запустил услугу интернет-банкинга и электронной коммерции для держателей карт UZCARD EMV.

Как сообщается на сайте системы UZCARD, с помощью услуги держатели онлайн-карт могут осуществлять платежи за товары и услуги через интернет-магазины и контролировать денежные средства на карточном счете.

Чтобы воспользоваться услугой, необходимо зарегистрироваться в персональном кабинете на сайте UZCARD. При этом у держателя карты должна быть подключена услуга SMS-информирования на мобильный телефон. При регистрации пользователю на телефон высылается динамический пароль.

В персональном кабинете можно просмотреть историю платежей и список дополнительных услуг, который будет расширяться по мере развития системы.


Для оплаты в интернет-магазине используется интерфейс самого магазина для выбора товаров или услуг и интерфейс системы оплаты. На странице оплаты отображаются данные по платежу (наименование поставщика, номер заказа, сумма, валюта, дата платежа, идентификатор терминала и примечания).

Для совершения оплаты пользователь вводит свои данные — номер карты и срок действия, затем динамический пароль, полученный на телефон в виде SMS, и пароль входа в систему.


ИНФОРМЕР ОТСЛЕЖИВАНИЯ ПОЧТОВОГО ОТПРАВЛЕНИЯ

Сервис управления информацией <http://desk.uz> пополнился новым информером. С его помощью можно отследить маршрут и состояние почтового отправления. Для этого надо знать 13-значный код (штрих-код) вашей бандероли или посылки, отправленной вами и отправленной вам. Информер разработан Центром UZINFOCOM совместно с ОАО "Узбекистон почтаси".

Для работы с информером заходите на desk.uz, авторизуетесь через сервис идентификации <http://ID.uz> и кликаете мышкой команду "Открыть каталог"



Далее в типах виджетов выбираете Информеры, а в списке информеров выбираете "Трекинг почтового отправления". Это надо проделать лишь один раз, при каждом следующем входе с авторизацией этот виджет будет показан среди ваших виджетов и информеров.



Далее следует открыть Настройки и ввести 13-значный код вашего почтового отправления. ("Штрих-код" в терминах "Узбекистон почтаси".)

После этого откроются подробные данные о перемещении вашего отправления по промежуточным узлам связи.

Трекинг почтового				
Информация об отправлении CS01878316798L				
Почтовое отправление	Подача	Адресовано	Вес	
Celle postale	Netherland, Niderland	Uzbekistan, Kubray	13.15	
Трекинг отправления				
Получено	Индекс	Дата	Отправлено	Уп
Airport (Uzbekistan)	UZTASZ	20-12-2012	20-12-2012 08:00	Xa po
Airport (Uzbekistan)	UZTASZ	20-12-2012	20-12-2012 10:00	Xa po
Yaklari pochta	UZTASA	20-12-2012	20-12-2012 16:28	Xa po
Yaklari pochta	UZTASA	21-12-2012	21-12-2012 17:38	Xa po
Yaklari pochta	UZTASA	22-12-2012	22-12-2012 16:51	Xa po
Yaklari pochta	UZTASA	24-12-2012	24-12-2012 18:34	Xa po
Kibrey UPS	111200	24-12-2012	25-12-2012 10:41	Kz

Как и в других виджетах, можно указать в настройках высоту окна и при желании выбрать персональную вкладку, в которой желаете разместить информер.

Хабар +tv



ОТБОРАТ

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 7.00 "Икким"
- 7.05 "Кўнгли қўшиқ, истайдиг"
- 7.20 Миллий сериал: "Тулган афродидилар"
- 8.00 "Гулшима"
- 8.40 "Жаҳиди Доррий", Т/с.
- 9.25 "Хива: Нафосат тилмочлари",
- 9.35 "Кўнгли оқибатини",
- 9.55 "Сарой аждоғлари", Т/с.
- 11.00 "Абдор"
- 11.10 "Ватанпарвар"
- 11.55 "Ифтихор"
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 12.50 "Кўнгли қўшиқ, истайдиг"
- 13.05 "Комиссар Рекс", Т/с.
- 13.50 "Наҳидлар қамалиги"
- 14.00 "Абдор"
- 14.15 "Хидоят сари"
- 14.35 "Икким"
- 14.40 У ёқиб кинеси: "Ўтган"
- 16.00 "Саломатлик дастури"
- 16.15 "Чашмалар"
- 16.30 "Пародий дастури"
- 17.00 "Абдор"
- 17.10 "Қаёб пайлар"
- 17.30 "Эрон филар"
- 17.40 "Эртислар - яхшиликка етаклар"
- 18.00 "Кўнгли қўшиқ, истайдиг"
- 18.15 "Аёл боти"
- 18.35 "ТВ - шифокор"
- 18.40 "Комиссар Рекс", Т/с.
- 19.25 20.00, 20.55 "Эфирлар"
- 19.30 "Абдор" рус/т.
- 20.05 "Навсий бўстонидан"
- 20.10 "Мехмонхона кўрагининг", Т/с.
- 21.00 "Абдор"
- 21.40 "Мукоабат"
- 22.10 "Кўнгли қўшиқ, истайдиг"
- 22.25 "Сарой аждоғлари", Т/с.
- 23.30 "Икким"
- 23.35 - 00.00 "Усманилар ҳаёти", Х/ф.
- 00.00 Кўрсатувлар дастури.
- 00.05 "Кўнгли оқибатини"
- 00.25 "Аёл боти"
- 00.45 "Ифтихор"
- 00.50 "Хива: Нафосат тилмочлари"
- 1.00 "Абдор" рус/т.
- 1.30 "Теле-Галери" "Қўшиқ, ўйин", 1-қисм.
- 2.15 "Ватанпарвар"
- 2.55 "Икким"
- 3.00 "Наҳидлар қамалиги"
- 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 4.00 "Абдор"
- 4.40 Миллий сериал: "Тулган афродидилар"
- 5.30 "Қаёб пайлар"
- 5.40 - 5.55 "Чашмалар"



- 6.00 "Ватан меҳри"
- 6.10 "Парнона"
- 7.00 "Қўшиқма дарс"
- 7.30 "Мультианimator"
- 8.00 "Мехмонхоналардан айланган", Т/с.
- 8.40 "Еллик наволари"
- 9.00 "Шамоллар қўлаган ҳаётларини", Т/с.
- 9.50 "ЎЗЕХ"
- 10.00 "Камолот-шофо"
- 10.10 "Нотаниш", Б/ф.
- 11.10 "Ўзбекистон музейлари"
- 11.50 "Маҳаллим" ёшлари"
- 12.10 "Доктор Қўниқ", Т/с.
- 13.00 "Дар"
- 13.10 "Афсона ва ҳидойат"
- 13.30 "Ўз-Ўзлар"
- 14.00 "Аскар", Т/с.
- 14.50 "Еллик наволари"
- 15.10 "Қолаб", Т/с.
- 15.50 "ЎЗЕХ"
- 16.00 "Дар"
- 16.10 "Мехмонхоналардан айланган", Т/с.
- 16.50 "Музейлар юрти"
- 17.00 "Камолот-шофо"
- 17.10 "Ўзғина ислоҳлари"
- 17.30 "Шавкатли Айнегов", Б/ф.
- 19.00 "Дар"
- 19.30 "Ўз ва мелига", Т/с. Премьера.
- 20.20 "Еллик наволари"

ДУШАНБА — 13 МАЙ

- 20.40 "Обод турмуш йили"
- 21.30 "Эртислар болаларини"
- 21.10 "Аскар", Т/с.
- 22.00 "Дар"
- 22.30 "Сирин ора"
- 00.00 "Еллик наволари"
- 00.20 "Музыкалий дунё"
- 1.20 "Қолаб", Т/с.
- 2.00 "Дар"
- 2.30 "Ўз ва мелига", Т/с.
- 3.20 "Зисси психологлар"
- 3.50 "Нотаниш", Б/ф.
- 5.30-6.00 "Ташна"

БАДИИЯТИ

- 6.00 "Мадари"
- 6.05 Кўрсатувлар тартиби.
- 6.10 "Ғафл тушгани"
- 6.20 "Хат-мамот", Т/с. 57-қисм.
- 7.00 "Салом, Тошкент"
- 8.00 Тошкент тароналари.
- 8.15 "Доктор Қўниқ"
- 8.20 "Интеллектуал ақдоғини"
- 8.30 "Пошта"
- 8.50 "Сўрашувлар орали"
- 9.15 "Кларк Кракстингтон концерти"
- 9.30 "Пошта"
- 9.45 "Пошта" йўллари"
- 10.05 "Интервью"
- 10.15 "Спортивчилар бир куни"
- 10.30 "Пошта", рус тилида."
- 10.40 "Митинглар оиди"
- 11.00 "Сўнги монолог", Б/ф.
- 11.00 "Салом, Тошкент"
- 14.00 "Дунё" теледари"
- 14.35 "Бизнинг пошта"
- 15.00 "Пошта"
- 15.15 "Икким", 6-б. 6-қисм.
- 15.40 "Мактаблар бир кун"
- 16.00 "Ватан нуқдиси"
- 16.30 Тошкент тароналари.
- 16.45 "Кўрсатувлар": "Ака-ўка Гримм аждоғлари" 33-қисм. /Ўзбекистон/
- 17.10 "Келин менга дастуларим" /интели тилида/.
- 17.25 "Икким тавар"
- 17.40 "Мўйриқди филозофлари"
- 18.00 "Пошта"
- 18.25 "Интеллектуал ақдоғини"
